



«Посишга»

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Газета 1930 йил 12 майдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 12 сентябрь, пайшанба • 37 (3461)-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИ ДАРОМАДИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 397-1-сонли қарорга ўзгартиш киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 321-II-сонли қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини республикада босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. 2002-2005 йилларда даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами

даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келади-ган тизимини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тайёргарлик чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этишни таъминлайдиган 2002-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларнинг аниқ дастури ва жадвалини 2003 йил 1 январидан бошлаб олинган даромадлар бўйича иш-

лаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, чет эл иқтисодий тузилмалари ва экспертларини жалб этган ҳолда икки ой муддатда “Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

(Давоми 2-бетда)

Огоҳлик

2002 йил 11 сентябрь куни бутун дунё бундан роппа-роса бир йил муқаддам АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатлари қурбонларини ёд этди. Фожиа уч мингдан зиёд кишини ҳаётдан олиб кетди. Кеча АҚШда маҳаллий вақт билан соат 8.46 да Нью-Йоркда, Вашингтонда ва Пенсильвания штатларида ҳалок бўлганлар хотирланиб, бир дақиқа сукут сақланди.

ЖАҲОН АҲЛИ ТЕРРОРЧИЛИК ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТДИ

2001 йил 11 сентябрь куни аини шу пайтда террорчилар эгаллаб олган биринчи самолёт Нью-Йорк шаҳридаги Жаҳон савдо маркази биноларидан бирига урилган эди. Осмонўпар бинолар вайроналари остида 90 дан зиёд мамлакатнинг фуқаролари ҳалок бўлишди.

Фожианинг бир йиллиги арафасида Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида мисли кўрилмаган хавфсизлик чоралари кўрилди. Мамлакатда террорчилик ҳаракатларига қарши тайёргарликнинг иккинчи даражаси эълон қилинди. Вашингтон атрофида “Эвенжер” мобил зенит ракеталари мажмуалари жанговар навбатчиликка киришди. АҚШнинг Шарқий қирғоқлари осмонида қирувчи-тутувчи самолётлар навбатчилик қилишди. Нью-Йоркдаги энг диққатга сазовор жойлар — Озодлик ҳайкали ва Бруклин кўприги кучайтирилган тартибда кўриқланыпти. Нью-Жерси штатида хавфсизликни таъминлаш мақсадида Миллий гвардия сафарбар қилинган. Аэропортлар, ядро реакторлари каби ўта муҳим иншоотлар ҳам кучайтирилган тартибда кўриқланыпти.

БМТ Бош Ассамблеяси мажлисида 11 сентябрь фожиаси қурбонлари хотирасига бағишланган мотам маросими бўлиб ўтди. Бундан ташқари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризмга қарши курашга бағишланган мажлиси ҳам режалаштирилган.

Жорж Буш 11 сентябрь тадбирларини Вашингтондаги черковга ташриф буюришдан бошлади. Америкаликларнинг аксари 2001 йил 11 сентябрни сукут сақлаб, баъзан кўнғироқ садолари остида, баъзан ҳарбий самолётлар ҳайқириғи остида хотирлашди.

11 сентябрь эрта тонгда илгари Жаҳон савдо маркази қад кўтарган жойга марҳумларнинг оила аъзолари ва руҳонийлар ташриф буюришиб, фожиа қурбонларини ном-ном эслашди. Бир ярим соатлик тадбир бир дақиқа сукут сақлаш билан бошланиб, яна шу тарзда якунланди.

Теннис. Президент Кубоги


«ТУРНИР ОЧИҚ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ»

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Президент кубоги IX халқаро турнирининг тантанали очилиши чоғида айтган ушбу сўзлари гулдурос қарсақлар билан қарши олинди.

Бу мамлакатимизда катта теннис байрами бошланганидан дарак берар эди. Марказий корт узра турнир қат-

нашчилари вакил бўлиб келган мамлакатларнинг байроқлари ҳил-пирай бошлади.


Юртбошимиз ўз сўзларида турнир тўфайли қисқа муддат ичида Ўзбекистонда теннис кенг оммалашганини, сайёрамизнинг минглаб спортчилари пойтахтимизни нафақат таниб, балки



севиб ҳам қолганини таъкидлади.

Мамлакатимиз Президенти мусобақа ташкилотчиларига, турнир қатнашчиларини очик юз билан кутиб олишгани, беллашувлар чоғи кўлаб-қувватлашаётгани учун томошабинларга миннатдорчилик билдирди.

Ўз мухбиримиз.



UCHINCHI «Посишга»
gazetasining ilovasi
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI + TV **LAM**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИ ДАРОМАДИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Куйидагилар белгилансин:

жами даромадни декларациялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституциявий ва мулкӣ ҳуқуқлари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулкӣ миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг шахсий турмушига аралашига ҳамда бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга қатъиян йўл қўйилмайди;

жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкӣ билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини бузишга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

4. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳозирги вақтда жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар (савдо, иш, хизматлар)ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилиниши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими жорий этилгунга қадар фуқароларнинг даромадларини ихтиёрий равишда декларациялаш тизimini пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба

тариқасида иш олиб бориш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тажрибасини чуқур ўргансин ҳамда уларни инобатга олган ҳолда декларантлар томонидан ўз даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ихтиёрий равишда тақдим этилишини рағбатлантириш механизмини, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этмаганлик ва даромадларни атайин яширганлиги учун қонунчиликда кўзда тутилган жазоларни қўллаш чораларини ишлаб чиқсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг республика тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларига

қўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқиш манбалари тасдиқланиши талаб этилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан бирга жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш тизimini жорий этиш мақсадлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин;

2003 йилнинг 1 июлига

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 сентябрь.

И. КАРИМОВ.

қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар (даромад манбалари) тўғрисидаги декларацияларни ҳамда декларациялаш билан боғлиқ бошқа ахборотни қайта ишлаш Марказини ташкил этиш ва уни декларацияларни қайта ишлаш учун зарур техника билан жиҳозлашни кўзда тутсин;

2003 йилнинг 1 сентябрга қадар солиқ органларига маълумотларни электрон воситалар ёрдамида тақдим этиш ҳамда солиқ назоратини амалга ошириш мақсадида уларга ишлов бериш имконини яратадиган дастурий ярасулотлар ишлаб чиқиш ва улардан тажриба тариқасида фойдаланишни таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

«Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизimini босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига

ШАРҲ

Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги таъминлаш асосида амал қиладиган барча иқтисодий тараққий этган мамлакатларда фуқаролар томонидан ўз даромадларини мажбурий декларациялаш амалиёти кенг қўлланилади. Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тўлдирish фуқаролар томонидан солиқлар тўлаш чоғида, шунингдек уй, ер майдонлари ва кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар ҳамда бошқа қимматли буюмларни харид қилиш билан боғлиқ йирик молиявий битимларни амалга оширишда қатъий шарт ҳисобланади. Хуллас, фуқаролар даромадларининг манбалари ошкоралиги, қонунчилигини тасдиқлаш зарур бўлган жойда декларация талаб қилинади.

Хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган декларациялаш тизимининг асосий шарт, бир томондан, ўз даромадлари ва уларнинг манбалари тўғрисида одамларнинг ўзлари ихтиёрий равишда маълумот беришларидир. Иккинчи томондан, декларация, мол-мулк харид қилишга сарфланган пул маблағларининг манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик учун, ўз даромадларини атайин камайтириш кўрсатганлиги ёки уларни яширганлиги учун иқтисодий жазо ва жарималарнинг қонун йўли билан мустақамланган, ҳатто жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган кучли тизими мавжуддир.

Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш яширин иқтисодиётга, пул маблағларининг ноқонуний айланишига, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашда таъсирчан воситалардан бири ҳисобланади.

Шуни таъсирчан билан эътироф этиш керакки, бизда коррупция ва гайриқонуний даромадларга, савдо-воситачилик фаолияти натижасида тушадиган нақд пулларни яширишга қарши қатъий

кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида кўп гапириладию, ammo айни вақтда жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган механизмни жорий этиш бўйича аниқ-равшан чоралар кўрилмапти. Бундай механизм порахўрлик пайини қирқиб, яширин иқтисодиёт учун замин яратаётган, банкдан ташқари пул айланишини таъминлаётган барча манбаларни тугатишга ёрдам берган бўлур эди.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, даромадларни декларациялашни жорий этмай, фуқароларнинг ўз даромадлари ва уларни олиш манбалари тўғрисидаги маълумотларни ихтиёрий равишда тақдим этишнинг барқарор тизimini вужудга келтирмасдан, шунингдек ўз даромадлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишдан бўйин товлаётганларни жазолаш чораларини пухта ишлаб чиқмай туриб коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши кураш борасидаги ишларни тасаввур қилиш қийин.

Айни шу боисдан, бундай ишларнинг жами қонун ҳужжатларига, ҳуқуқий меъёрларга таянган тараққий этган мамлакатларда таркиб топган тажрибадан келиб чиққан ҳолда бизнинг республикамизда ҳам худди шундай тизим фаоллик билан яратилиши лозим.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш туфайли аҳоли учун ўз қобилиятларини яна ҳам кенгроқ намоён этиш, ўзини иқтисодиётнинг турли соҳаларида юзага чиқариш ҳамда турли қонуний манбалардан даромад

олиш имкониятлари очилади.

Республикада хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги чеклашларни бекор қилиш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашувини камайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамлар учун фаол меҳнат қилиш ва ўз меҳнати билан кўпроқ пул ишлаб топшиш имкониятини яратишга қаратилгандир. Шу муносабат билан аҳоли даромадларини ҳисобга олиш, даромадларнинг қонунчилигини ҳамда солиқлар бекаму кўст тўланганлигини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқдаки, бу ҳам даромадларни декларациялаш тизimini жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Айни пайтда, фуқароларнинг шахсий мулкига таъвоуз қилиш ёки уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш каби фактларга барҳам бериш мақсадида Фармонда шу нарса белгиланганки, даромадларни декларациялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституциявий ва мулкӣ ҳуқуқлари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулкӣ миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг хусусий турмушига аралашига ҳамда бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга қатъиян йўл қўйилмайди. Мансабдор шахслар

жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкӣ билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини бузган ҳолларда улар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Шунинг учун даромадларни декларациялаш бутун тизими қонунчиликка асосланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли тузилмалар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлисга киритиш топширилди.

Даромадларни декларациялаш тизimini яратиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганишни, аҳолини тегишли тарзда тайёрлашни, зарур қонунчилик ва меъёрий негиз қабул қилинишини, бутун бир ташкилий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилишини талаб этишини ҳисобга олган ҳолда уни 2002-2005 йилларда босқичма-босқич жорий этишга қарор қилинди.

Шу билан бир вақтда солиқ органларига жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тизimini жорий этилгунга қадар фуқароларнинг даромадларини ихтиёрий равишда декларациялаш тизimini пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этмаганлик ва даромадларни жўрттага яшир-

ганлик учун қонунчиликда кўзда тутилган жазоларни қўллаш чораларини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар (савдо, иш, хизматлар)ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилиниши лозим.

Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, фуқароларнинг ўз жамғармаларини банкларга қўйишнинг рағбатлантириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини камайтириш чоралари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, фуқароларнинг республика тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларига қўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлаш талаб этилмайди.

Солиқ идораларини ахборот билан таъминлашни яхшилаш учун 2003 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар (даромад манбалари) тўғрисидаги декларацияларни қайта ишлайдиган Марказни ташкил этиш, уни зарур техника билан жиҳозлаш кўзда тутилади.

Республикада жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизimini жорий этилиши даромадларни ошкорлаштириш имконини беради, яширин иқтисодиёт йўлига ров солиб хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яна ҳам қудайроқ шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади, цивилизациялашган бозор муносабатларини шакллантиришнинг объектив ва зарур шарт ҳисобланади.

Хизматларда

ФОЙДАЛИ УЧРАШУВЛАР

Питнак шаҳар ички ишлар бўлими паспорт бўлими ходимлари фуқароларни паспорт билан таъминлашда қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Шаҳарда 41 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 22 минг нафардан кўпроғи паспорт олиш ёшидаги фуқаролар бўлиб, улар миллий гуруримиз бўлмиш Ўзбекистон Республикаси паспорти билан ўз вақтида таъминланди. Бўлима ходимлари йил бошидан буён шаҳарнинг деярли барча маҳаллалари, ўқув муассасаларида бўлиб, аҳоли ўртасида паспорт тартиботига доир қоидаларни тушунтириш бўйича учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказишмоқда. Ана шундай тадбирлардан би-

рида аълочи ва фаол ўқувчилардан 133 нафарига тантанали равишда паспорт топширилди. Афсуски, баъзи фуқаролар ҳамон паспорт тизими қоидаларига амал

қилмай, турли ҳуқуқбузарликлар содир қилишяпти. Шу кунгача қоидабузарлардан 700 минг сўмга яқин жарима ундирилди.

Х. ЖАББОРОВ.



СУРАТДА: шаҳар ички ишлар бўлимининг паспорт бўлими ходимлари, милиция капитани Давлат Матякубов қабулга келган фуқаро паспорти билан таъминлашмоқда.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

Ибрат

Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, тезкор вазиятни барқарорлаштириш ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари томонидан "Арсенал" деб шартли номланган навбатдаги тадбир ўтказилди.

«АРСЕНАЛ»ДА АНИҚЛАНДИ...

Белгиланган вазифаларни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш учун вилоят, шаҳар ва туман ички ишлар идораларида тезкор штаблар тузилди. Тадбир давомида объектлардаги назорат-лицензиялаш тизими ўрнатилган предметларни сотиб олиш, сақлаш, ҳисоботини юритиш ва ишлаши тартиби текширилди. Амалдаги қоидалар кўпол равишда бузилгани учун 5 та объектнинг фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Амалга оширилган

ишлар натижасида ноқонуний сақланаётган 233 та ўқотар қурол, 2688 дона ҳар хил калибрли ўқ-дорилар олиб кўйилди, 33 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Тадбир бўйича ИИБ маълумотномаларидан олинган мисолларга мурожаат қилсак. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани тоғли ҳудудида жойлашган Бобур номи жамоа ҳўжалигида ўтказилган тезкор тадбир пайтида Шўрчи туманилик М. Х. 16 мм. калибрли, икки ва бир

стволли ов қуролларини 50000 сўмга сотаётган пайтда ушланди.

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани, Алимкент қўрғони, Мустақиллик кўчасида яшовчи, ишламайдиган М. Р. нинг уйдан "ПМ" тўппончасининг 16 дона жанговар ўқлари топилди.

Аҳоли ўртасида фаол тар-

ғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши натижасида фуқаролар томонидан ички иш-

лар идораларига 190 дона ўқотар қурол ва 162 дона ўқ-дорилар ихтиёрий равишда топширилди.



СУРАТДА: Боғот тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори О. Мадраҳимов (чапдан иккинчи), патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлимининг катта инспектори, милиция капитани Н. Ёқубовлар фуқаролар ўз ихтиёри билан келтириб берган қуролларни кўздан кечиришяпти.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

Жумладан, Сирдарё тумани, Пахтазор ширкат уюшмасида яшовчи Х. Саъдуллаев ариза билан ИИБга мурожаат этиб, марҳум отасидан қолган ва рухсатномасиз сақланаётган "ТОЗ-20" русумли, 20 мм калибрли ов милтигини ихтиёрий равишда келтириб берди. Пешку тумани, Эргашев жамоа ҳўжалиги, Арабхона қишлоғида яшовчи Н. Хотамов ҳам 50 дона 5,6 мм. калибрли ўқларни ИИБга ўз хоҳиши билан топширди.

Ноқонуний сақланаётган ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддаларни аниқлаш бўйича ишлар давом этмоқда.

Р. МУҲАМЕДОВ,
милиция капитани.

ИШЧИ ГУРУҲИ — ҲАРАКАТДА

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрамни муносиб кутиб олиб, уни юқори савияда ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ички ишлар идоралари ходимларига бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Шу боис республика ҳудудида халқ осойишталиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда иш юритиш мақсадида ИИВда тезкор штаб ва ишчи гуруҳлари тузилди.

Улар мамлакатимизда ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган "Анти-террор", "Тозалаш" ва бошқа тадбирларни ташкиллаштириб, лозим вақтда унинг боришини муҳокама этишди.

Ушбу тадбирларга ҳар куни 8,7 минг маҳалла посбони, 5,6 мингдан ортиқ бошқа жамоатчилик ва-

киллари милиция ходимларига яқиндан ёрдам беришди. Тадбир бошлангандан буён профилактика хизмати ходимлари томонидан кўплаб ичкиликка ружу кўйганлар, нотинч оилалар ва гиёҳвандликка мойил шахслар аниқланди. Баъзи

фуқаролардан қонунга хилоф равишда сақлаган қурол ва ўқ-дорилар олиб кўйилди ва улар жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, ўзларининг гаразли мақсадларини кўзлаб гиёҳванд-

лик моддаларини етиштириш, сақлаш ва сотишга уринаётган айрим кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Тадбирда 348 та ана шундай ҳолат аниқланиб, жами 30 килограммдан зиёд гиёҳвандлик моддалари олинди. Жумладан, Фарғона вилоятининг Куvasой шаҳрида қирғизистонлик М. Абдураҳмон юртдошимиз М. Омон билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 500 грамм героинни 4 минг АҚШ долларига сотаётган вақтида савдога ички ишлар ходимлари яқун ясадилар.

— Ҳушёрлик хизматимиз мезонидир, — дейди штаб ишчи гуруҳи раҳбари, милиция майори Маҳмуд Тўхтаев. — Ходимларимиз 17 мингдан зиёд фуқаро паспорт-виза қоидаларини бузиб яшаётганларини аниқладилар. Ушбу қоидабузарлардан 15 мингга яқини маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 40 миллион сўмга яқин жарима унди-

рилди. Жумладан, 1961 йилда туғилган россиялик Т. Абрамова вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан Жиззах вилоятида яшагани учун 39 минг 450 сўм миқдорига жарима тўлашга мажбур бўлди. Асосий эътибор республикамизга келиб кетувчилар томонидан паспорт-виза қоидаларининг бузилишига йўл қўймакликка қаратилди. Виза муддати тугаган ҳамда визасиз республика ҳудудида юрганлар ҳам аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Айни кунларда тадбирлар давом этмоқда.

Ш. АНВАРОВ,
милиция лейтенанти.

Суратда: штаб ишчи гуруҳи ходимлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси "Тошкент" аэропорти инспектори, милиция майори М. Тўхтаев ва ИИВ Пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси инспектори, милиция катта лейтенанти Ш. Каримов хизмат вақтида.



Ўсмир ва тарбия

ЙЎЛ БОШИДА

Меҳнат қилган элда азиз, дейишади. Бу анча эски, аммо умрбоқий ҳикматдир. Ҳеч кимга сир эмаски, кейинги пайтларда баъзи ёшларимиз ўртасида осон йўллар билан мўмай пул топишга уриниш ҳоллари учраб турибди. Кўплаб истиқболи порлоқ ёшларимиз чет элларга бориб, ўз билимларини ошириш, мустақил юртимиз салоҳиятини юксалтириш йўлида хизмат қилиш учун бел боғламоқдалар. Аммо баъзилар эса...

Бухоро туманидаги Бухоро ширкат хўжалигида яшовчи Шухрат Шарипов ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига кўнғироқ қилиб, уйдаги 40.000 сўмлик мусиқа асбобини номаълум кимсалар ўғирлаб кетганликларини билдиради. Туман ички ишлар бўлими ходимларининг тезкорлиги туфайли жиноят иссиғида очилди. Ўғри кўшни Қашқадарё вилоятилик 16 яшар йигитча бўлиб чиқди. Ҳа, у катта ҳаёт ос-

тонасида қоқилди. Болаликда қилган орзу-ҳаваслари панжара ортида қолиб кетадиган кўринадди.

Худди шу куни эрталаб соат 10.00 лар чамаси навбатчилик қисмида телефон кўнғироғи яна жинглиди.

— Алло, милициями? Акажон, уйим куйди, ёрдам беринг! — деган овоз эшитилди гўшакдан.

— Манзилингиз? Иш-шарифингизни айтинг.

— Кўчқоров Муҳаммад бўламан. “Галаосиё” шир-

кат хўжалигидаги “Янги ҳаёт” қишлоғида яшайман.

— Хўш, нима бўлди, гапиринг? Иложи бўлса, батафсилроқ.

— Бир кечада дўконимни шип-шийдам қилиб кетишибди, — овоз эгасининг ҳаяжонланаётгани шундоқ сезилиб турарди.

Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида ўғри топилди. У 1981 йилда туғилган М. Қ. бўлиб, жабрдийдага

кўшни бўлмиш «Улғбек» кўчасида яшарди.

Тўқимачилик тумани ИИБга фуқаро Е. Григорьева ариза билан мурожаат қилиб, уйдан 622000 сўмлик мол-мулки ўғирланганлигини билдирди. Туман ички ишлар бўлими ходимларининг ҳаракатлари туфайли ушбу жиноят ҳам очилди. Уни 1981 йилда туғилган М. Э. ҳамда 1982 йилда туғилган, муқаддам судланган К. Юлар содир этганликларини аниқлади. 18 ёшли О. Б. эса Н. Давлатованинг хонадонидан 25000 сўм пул ва 240 АҚШ долларини ўғирлаб кетган.

Йўл бошида адашаётган йигитларнинг тақдирини ўйлаб, кишининг кўнгли гаш бўлади. Ахир, уларнинг ёшлиқдан ботқоққа ботишларига ким айбдор? Бу хусусда биз, катталар кўпроқ бош қотиришимиз керак.

О. РОПИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

Пайшанбадан пайшанбагача

РЕЖАСИ БАРБОД БЎЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида яшовчи Д. хўжалик даласида ишлаётган ўзро жанжал оқибатида қайниси — 9-синф ўқувчиси уриб ўлдирди. Сўнгра жасадни каналга ташлаб юбориб, жиноят изларини беркитмоқчи бўлди. Бироқ унинг режаси барбод бўлди.

ЗЎРАВОН ЙЎЛОВЧИ

Самарқанд шахрининг Регистон майдонидан “Дамас”га ўтирган номаълум йўловчи ҳайдовчидан Мустақиллик маҳалласига олиб бориб қўйишни сўради. Бироқ улар Спитамен шохқўчасига етиб келишганда йўловчи ҳайдовчининг бўғзига пичоқ тираб, “хизмат ҳақи” талаб қилди. Шошиб қолган киракаш ёнидаги 68000 сўм пули ва автомагнитоласини бериб, омон қолганига шукр қилди. Ҳозирда қўлга олинган 30 ёшли “мижоз” ўзини оқлашга бисотидаги ноёб гапларни қидирмоқда.

ЖАҲЛ УСТИДА

Самарқанд шахрининг Сиёб туманида яшовчи, 1964 йилда туғилган аёл эри билан сан-манга бориб қолди. Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши билан эмас, эрнинг ўлими билан тугади. Аёл жаҳл устида ёстикдошининг кўкрагига пичоқ санчди.

ИШЛАМАЙ... ТИШЛАМАДИ...

Бўстонлик туманида яшовчи Д. нинг хусусий дўконига кириб келган икки нотаниш йигит тадбиркорни куч ишлатиш йўли билан кўрқитиб, 33.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетишди. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган бу йигитлар қўлга олинди.

ОГУФУРУШ

Тошкент туманида милиция ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида гиёҳфурушлик билан шуғулланувчи шахс қўлга олинди. Ҳеч қаерда ишламайдиган 33 ёшли бу шахснинг уйдан икки килограмдан ортиқ марихуана ва героин топилди.

ИККИНЧИ «КАСБИ» АНИҚЛАЯПТИ

Наманган вилоятининг Чуст туманида ўтказилган тадбирда хусусий АЁҚШ бош оператори, 47 ёшли О. бошқарувидаги «ВАЗ-2106» автомашинаси тўхтатилиб текширилди. Шунда автомобиль салонидан рақамлари ўчирилган кўшоғиз қирқма милтик ва 244 донна жанговар ўқлар олинди. Ҳозирда бош операторнинг иккинчи “касби” аниқланяпти.

ҚАРОҚЧИЛАР

Бухоро тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи “Аму-Бухоро” каналдан Бухоро шахрида яшовчи, 1983 йилда туғилган С. Мажиловнинг жасади топилди. У шу йил 26 август куни ўз “Тико”сида кира қилиш мақсадида уйдан чиқиб кетган эди. Суд-тиббий экспертиза текширувлари марҳум бўғиб ўлдирилганлигини аниқлади. Қидирув ишлари натижасида эса ушбу жиноятни содир этган 22 ёшли С. ва муқаддам судланган, 1978 йилда туғилган З. лар қўлга олинди. Бу шахслар автомашинани қўлга киритиш мақсадида қотилликка қўл урган эканлар.

«ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН» ҚАРИЯ

Тошкент шаҳри Чилонзор туманида соат 23 дан 30 дақиқалар ўтганда Т. Эргашевнинг “ВАЗ-2107” русумли автомашинасини номаълум шахс олиб қочди. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган қидирув ишлари давомида машина ўғриси аниқланиб, қўлга олинди. У 63 ёшли пенсионер экан.

РАШК ОҚИБАТИДА

Кўкнлик 1969 йилда туғилган У. рашк оқибатида турмуш ўртоғини пичоқлаб ўлдирди. Бунга қоникмай 2 яшар қизининг жонига қасд қилди. Нотаниш гўдак ҳам ҳаётдан кўз юмди.

И. МИНАВАРОВ,
милиция майори.

Хоразм вилояти ИИБда хизматлари транспорт билан таъминлашга катта эътибор берилляпти. Бу эса ўз навбатида самарадорлик, тезкорликни оширяпти.

Суратда: Хива шаҳар ИИБ патруль-пост хизмати ходимлари ўзларига бирктирилган йўналишлар бўйича тарқалиш олдидан.



Ф. САЪДУЛЛАЕВА олган сурат.

ҚАЛДИРҒОЧ ИНИДА...
ГЕРОИН

Чирчиқ шаҳридаги блок-постда жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан фуқаро К. Фулом тўхта-тилиб текширилганда, унинг ёнидан 33,74 грамм героин чиқди. Асли Сурхондарёнинг узоқ туманларидан шахримизга “адашиб” келиб қолган бу кимса гиёҳандлик моддасини ўз қишлоғида жойлашган бекаат яқинида ётган елим халта ичидан топганлигини айтди. Қизик, фалон пул турадиган “мол”ни ким тушириб қолдирди экан?

Ёки бўлмаса фуқаро Б. Маркелнинг найрангини эшитинг. У Иброҳим исмли кишидан 60 грамм героинни 500 АҚШ долларига харид қилди. Уйига қайтгач, “матох”нинг бир қисмини сотувга тайёрлаб, елим халталарга жойлади, қолганини кейинчалик сотиш учун кўп қаватли уйнинг йўлида қалдирғоч қўйган инга яшириб қўйди. Беозоргина қалдирғочлар героин таъсирига тушиб қолмаслик учун анча вақтгача уйларида четроқда учиб юришга мажбур бўлишди...

Ўтказилган яна бир тезкор тадбирда фуқаро Ю. Муслимининг хатти-ҳаракатлари ЖКБ ходимларида шубҳа уйғотди. Текшириб кўрилганда эгнидаги чопонининг чап енгидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган 89,77 грамм марихуана топилди.

Ш. ИСОҚОВА.

Латиф Расулов ва Эркин Пачаевлар асли Бахт шаҳридан. Иккаласи қадрдон дўст. Шу боис Латифга зарур бўлганда Эркин “йўқ” демай дарҳол 1000 АҚШ доллари қарз берди. Лекин Латиф қарзини қайтаришни пайсалга сола бошлади. Унинг ана шу қилиғи вақти келиб бошини еди.

ҚАРЗ БАЛОСИ

Баҳор кунларининг бирида учрашиб қолган икки йигит кундалик ташвишлардан биров холи бўлиш истағида бозорга тушиб, ароқ, газак, талайгина майда-чуйдалар харид қилишди. Улар шаҳар уйингоҳидан кўним топишди. Иккаласининг ҳам кайфияти аъло эди. Соат тўққизларга яқин йигитлар кўзгалишди. Эркин кўнглихушлик баҳона унга берган қарзини эслатди. Латиф қошларини чимириб, ўзини тушунмаганга солди.

— Қанақа қарз? Нималар деясан ўзи? Эслай олмаяпман...

Эркин унга куйиб-пишиб тушунтиргач, Латифнинг “эсига тушгандек” бўлди.

— Ҳа, уни айтаяпсанми? Мен сендан қарздор эмасман. “Беради” деб хаёлингга ҳам келтирма.

Бу пайт Латиф билан Эркин машина ичидан ўтиришганди.

Эркиннинг миёсига қон тепди. Уни инсофга чақирмоқчи бўлди. Аммо анчагина кайфи бор Латиф гапида туриб олди:

— Бермайман, тамом-вассалом. Тушингни сувга айт.

Машинанинг ичида “жанг” бошланди. Латиф Эркинни машинадан пастга судраб тушди. “Яхшиликка ёмонликми?” дея аламзада бўлган Эркиннинг кўзи оёқ остида ётган темир парчасига тушди. Уни қандай қўлига олиб, рақибининг

бошига, қорнига кетма-кет зарб билан туширганини билмай қолди. Латиф ерга йиқилди. Қонга беланаётган дўстининг аҳволи ҳам Эркинни тўхтатиб қололмади. У оғир нафас олаётган Латифни бош-кўзи, қорни аралаш тепишда давом этди...

Сирдарё туман марказий касалхонасига олиб келинган Латифнинг юзига қараш даҳшатли эди. Шифокорлар калтак зарбидан ичлари эзилиб кетган йигитнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг улдасидан чиқишолмади. Суд-тиббий экспертизаси Латиф Расуловнинг ўз дўсти томонидан олган оғир тан жароҳати туфайли ҳаётдан кўз юмганини хулосалаб берди. Қотил қўлга олинди.

— Мен Латифни ўлдирмоқчи эмасдим, — деди судда Эркин Пачаев. — Ўзимни йўқотиб қўйдим. Қилган ишимдан афсусдаман.

Сирдарё тумани судининг ҳукми билан қотил Э. Пачаев беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Баҳорнинг сўлим оқшомларидан бирида кўнглихушлик қилган йигитларнинг бири ҳаётдан бемаврид кўз юмди. Иккинчиси эса эркин ҳаёт ва дўстлар дийдоридан мосиво бўлди.

Б. ПҮЛАТОВ,
милиция подполковниги.

Қ. КАРИМОВ,
милиция катта лейтенанти.

UCHINCHI «Посижа» gazetasining ilovasi

+ TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Бир йил муқаддам, 11 сентябрь воқеаларидан икки кун олдин Аҳмадшоҳ Масъуд суқасд туфайли ҳалок бўлган эди. У икки арабга интервью бераётганда уларнинг камерасига ўрнатилган бомба портлаб кетганди.

Ҳозир у ҳалок бўлган жойда вазиёт қандай? Журналистлар қуйидагича ёзади: Кунботарда бу ер бирмунча ваҳимали тус олади. Синган дераза ортидан ташқарида ўйнаётган болаларнинг овози келади. Хона бўмбўш. Бу ерда қандайдир салобат бор. Айни шу хонада Афғонистоннинг буюк саркардаси Аҳмадшоҳ Масъуд ўлдирилганини ҳис қилмаслик мумкин эмас.

Ўша ҳалокатдан кейин маҳаллий аҳоли учун Аҳмадшоҳ оддийгина ҳарбий кўмондон эмаслиги равшан бўлди. Дафн маросимида ёш

ПАНЖШЕРЛИК САРКАРДА



қари барабар фарёд қилди. Чор атрофдан келиб оломонга қўшилаётганларнинг саноғи йўқ эди. Деразалар ва эшикларга қора мато осилган. Ичкаридан аёлларнинг йиғиси эшитиларди...

Бир йил ўтиб ҳам Аҳмадшоҳнинг хотираси жуда кучли сақланиб турибди. Машина, бай-


роқ, уй, расмий муассасаларнинг биноларида, умуман ҳамма жойда унинг суратини кўриш мумкин.

Кўчаларда илгаридек тиш-тирноғигача қуролланган одамлар йўқ. Замон анча тинчиган. Умуман, Афғонистоннинг шимолида мамлакатнинг бошқа минтақаларидагига қараганда эртанги кунга ишонч кучли.

Ваҳоланки, ўз даврида худди шу ерлар фронт чизиги эди. Қишлоқларни гоҳ у, гоҳ бу томон ишғол қилар, осойиш йўқ эди. Шу боис қишлоқларни ташқаридан кўриб, одам яшайптими-йўқми, билиб бўлмайди. Ҳамма ёқ хароба. Бу урушнинг изи. Лекин қишлоқларга одамлар қайтиб келяпти. Хуллас, бу ерда Масъуднинг хотираси ҳали-бери ўчмаслиги аниқ.

РИОГА БОРМАНГ, БОЛАЛАР!

БРАЗИЛИЯда ўтказилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ушбу мамлакат пойтахтида ўқотар қуролдан ўлаётган ўсмирлар сони уруш ҳолатида бўлган бошқа минтақалардаги қурбонлар сонидан кўп экан. Яъни, Рионинг хароб жойларидаги наркоурушга аралашиб қолган ўсмирларни бемалол оловли нуқталарда жанг қилаётган аскарларга қийслаш мумкин.



ча, худди шу вақт ичида Яқин Шарқда 500дан камроқ бола ўлдирилган.

Ҳозир Рио-де-Жанейрода 5-6 минг нафар ўсмирда ўқотар қурол борлиги тахмин қилинмоқда. Улар асосан турли жинсий гуруҳларнинг ер талашувида қурбон бўлмоқда. Бунинг сабаби эса, ҳукуматнинг шаҳардаги хароб жойларни яхшилашга эътибор бермаётганидир. Натижада бундай жойлар жинсий гуруҳларнинг уясига айланмоқда.

Бу ҳолат Бразилиянинг бошқа шаҳарларида ҳам кузатилмоқда. Масалан, Сан-Паулунинг айрим туманларида қотиллик даражаси гарбий ярим шарда энг юқори ҳисобланади.

Рионинг кўп қисмлари наркобаронлар томонидан бошқарилади. Улар маҳаллий сиёсатчилар ва полиция билан яхши алоқа ўрнатган. Ўзининг таъсир доирасини кенгайтириш, “худуди”нинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш учун эса ўсмирларни ишга ёллайди. Бу болаларга кўпинча худди росмана армиядаги каби ҳарбий унвонлар берилади.

Сўнгги 14 йилда Риода ўқотар қуролдан қарийб 4 минг нафар 18 ёшга етмаган бола ҳалок бўлди. Тадқиқот муаллифларининг таъкидлаши-

Ажиб бу дунё




Мана шундай машина ҳам бор экан.

КОЛУМБНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

“ГАРДИАН” газетасининг мақоласи шундай сўзлар билан бошланади: “Бу ерга Колумб дафн этилган, бу ерга ҳам, анови ерга ҳам...” Ажабланарли жойи йўқ. Янги дунёни кашф этиш шарафига муяссар бўлган сайёҳ умри битганидан кейин ҳам саёҳат қилаверган ва келгуси авлодга ўзидан бир неча қабри ташлаб кетган экан.

Энди Севилья (Испания) ва Доминикан Республикаси олимлари қўлга белкурак олиб, унинг сўнгги қабрини излашга тушди. Улардан бир гуруҳи Колумб Севильядаги Авлиё Мария готик ибодатхонасида ётибди, деса, бошқалари сайёҳ Доминикан Республикаси пойтахти Санто-Домингода эканлигини айтипти.

Аниғи шуки, Колумб 1506-йили Испаниянинг Вальядолид шаҳрида қаза қилиб, ўша ерга дафн этилган. Лекин сайёҳлик тамойилларига содиқ бу инсон антиқа васият ёзиб қолдирган эди. Унда у ўз жасадини Эспаньола (ҳозирги Гаити) оролига кўмишларини сўраган. Шундай қилиб, 1509 йили унинг янги саёҳати бошланди.



Колумб кемасининг нухаларидан бири.

Биринчи “бекат” Севильядаги ибодатхоналардан бири бўлди. Колумб 18 йил ўша ерга ётди. Бу орада унинг ўғли ҳаётдан кўз юмди. Кейин ота-боланинг жасади Санто-Домингога дафн этилди. 1795 йили Испания бу оролни Францияга берди. Жасад қолдиқлари Гаванага кўчирилди. У ердан 1989 йили испанлар қувиб чиқарилгач, Колумб қисман Севильяга қайтди. Қисманлиги шундаки, бу воқеадан 12 йил аввал ишчилар Санто-Домингодаги қабрдан “Махшур Христофор Колумб” деган ёзуви бор яшиқни қазиб олиб, ўзида қолдирган эди. Ўн йил олдин эса бу яшиқ Колумб ёлгорлиги пойига кўмилганди.

Энди криминалистрлар Колумб қаердалигини ва айни пайтда унинг миллатини аниқламоқчи. Чунки бу соҳада ҳам кўп сирлар бор. Айрим маълумотларга кўра у генуялик ипак савдоси билан шугулланувчи Доминико Коломбонинг ўғли бўлган. Демак — италиялик. Лекин бошқа тахминга кўра, Колумб Виан шаҳзадасининг ношаръий фарзанди бўлган. Бу ҳолда у испан миллатига мансуб.

Қатарнинг “Ал-Жазира” телеканали террорчиликка оид яна бир видеотасвирни намойиш этди. Кўрсатув бошловчисининг айтишича, бу тасвирлар ортида Усома бин Лодиннинг овози ҳам бор экан.

Кадрда у кўринмайди. Лекин харитани ва самолёт бошқариш қондаларини ўрганаётган йигитларга Усоманинг гапирётгани эшитилиб туради. Кўпчилик бу овоз Усомага тегишли эканига шубҳа билдирипти. Овоз жуда ўхшайди, лекин айнан эмас.

“Ал-Жазира”нинг билдиришича, бу йигитлар 11 сентябрь воқеаларини амалга оширган шахслардир. Овоз эса шундай дейди: “Нью-Йорк ва Вашингтонга хужум ҳақида гапирар эканмиз, тарих гилдира-

ОВОЗ УСОМАНИКИМИ, Ё?..

гани буриб юборган, миллатимизнинг топталган шаънини тозалаган одамларни тилга оламиз. Бу одамларни номма-ном санашга, уларнинг ишларини, улар ўтказган муқаддас рейдларнинг баҳосини айтишга вақтимиз етмайди”. Кейин у самолётларни эгаллаган гуруҳларнинг раҳбарлари, террорчиликни амалга оширишда иштирок этган бир неча одамнинг номларини айтади.

Тасмада 11 сентябрь воқеаларининг ижрочиларидан бири Абдулазиз Ал-Умарийнинг ҳам овози бор. У шундай дейди: “Бу иш барча гайридинлар учун сигналдир. Арабистон яриморолдан кетинг, Фаластинда яҳудийларни қўллаб-қувватлашдан тўхтанг. Акс ҳолда, шундай азобларни бошингизга соламизки, ҳаётингиз

тугаганида ҳам бу азоблар тугамайди”.

“Ал-Жазира” яқин кунларда видеотасвирни тўлиқ намойиш этмоқчи. Канал бин Лодиннинг ёрдамчилари билан ҳам интервью уюштирган. Улар 11 сентябрь воқеалари қандай режаланштирилгани ҳақида сўзлайди.

Режиссёр Ясрий Фавзанинг айтишича, уни террорчилар Покистондаги махфий жойга олиб борган ва Халид Шайх Муҳаммад ҳамда Рамзий Биналсҳибий билан учраштираган. Бу икки шахс номи АҚШ Федерал қидирув бюроси томонидан изланаётган одамлар рўйхатининг юқори поғоналарида турди. Улар режиссёрга бин Лодин саломатлигини айтган, лекин бунга бирорта ҳам далил кўрсатмаган.

Саломатлик саҳифаси



ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизда "Саломатлик" саҳифасини бериб бораётганимиздан яхши хабардорсиз. Бундан кейин ҳам бу анъанани давом эттириш ниятидамыз. Сизлар яна қандай касалликларни халқ табобати тавсиялари бўйича муолажа қилиш, қайси доривор гиёҳлар, мевалар ва бошқа табиат неъматларининг хосиятлари ҳақида маълумот беришимизни истардингиз? Балки, ўзларингиз ҳам тажрибаларингизда синаб кўрган ноанъанавий даволаш усулларингиз бордир? Хуллас, бизга ёзинг, хатларингизни кутамиз.

САЛОМАТЛИК
УЧУН БИР ЛИТР...

Жигарингиз вақти-вақти билан оғриб турадими? Унда эътиборсизлик қилманг. Ўнг биқинингизда оғриқ кучайиб, кўнглингиз айнаши бошлангунча кутиб юрманг. Вақтида хасталикни даволашга киришинг.

Авалло қатъий парҳезга риоя қилинг. Қовурилган, ёғли ва ўткир (аччиқ, шўр) таомларни истемол қилишдан ўзингизни тийинг. Кейин хасталикни қатиқ (кефир) ёрдамида ҳам даволашни бир синаб кўринг. Бунинг учун ҳафта давомида ҳар куни бир, бир ярим литр янги ивигилган қатиқ ичинг. Устидан 2-3 стакан минерал (маъданли) сув ичсангиз ҳам фойдаси тегса тегадик, зиён қилмайди. Бунга бошқа озик-овқат маҳсулотларини аралаштирманг. Қатиқ жигарингиз фаолиятини тиклайди, сафро ажралишини меърига келтиради. Ҳатто ўт пуфагида ҳосил бўлган тошчаларни ҳам майдалаб, орга-

низмдан чиқариб юбориши мумкин.

Орадан бир ҳафта ўтгач, қатиқхўрликни тўхтатмасдан қотган ноё ейтишни, сабзавотлардан тайёрланган турли бўтқалар ва шўрва истемол қилишни бошлашингиз мумкин. Агар таомномангизни аста-секин фақат фойдали маҳсулотларни қўша бориб, ана шу режим (тартиб)га риоя қила олсангиз, марра сизники. Муолажа самараси тезда кўзга ташланади.




Авалдан огоҳлантириб кўяйлик, бу дори жуда аччиқ ва ўткир бўлади, аммо хасталигингизни тез тузатади.

ШАМОЛАШНИНГ
ДАВОСИ

Энди бевосита дори тайёрлаш йўл-йўриғини баён этсак. 30 г шuvoқ (ёвшан) ва наъматак мевасини олинг. Уларнинг устига ярим литр 60 фоизли спирт куйинг. Ҳосил бўлган аралашмани салқин, қоронғу жойда уч кеча-кундуз сақланг. Шамоллаганингизда овқатдан ярим соат олдин ва уйку олдидан бир ош қошиқдан ичиб турсангиз, тузалиб кетасиз.

ШИРИН ДОРИ

Йўталга даво бўладиган ширин дори тайёрлаш йўлини ўрганишни хоҳлайсизми? Марҳамат. 200 грамм бўйимодарон ва қарағай қуртагини оласиз. Уларнинг ҳар бирини алоҳида идишларга солиб, устидан бир литрдан сув қуйиб қайнатасиз. Сўнг милтилаб турган оловда 20 дақиқа сақлайсиз. Кейин бир кеча-кундуз тиндирасиз. Сузғичдан ўтказиб, иккаласини бир идишга қуясиз. Унга дорихонадан харид қилган шuvoқ (ёвшан) димламасидан 20 г, бeфунгиндан 100 г, алоэ шарбатидан 100 г, наъматак шарбатидан 2 шиша қуясиз. Ҳосил бўлган аралашмага яна ярим килограмм асал ва ярим литр коньяк қўшасиз. Ҳаммасини обдон аралаштирсангиз – дори тайёр бўлади. Ундан ҳар куни уч маҳал, овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан истемол қилинг. Дори ниҳоятда ширин ва фойдали.

БУЙРАГИНГИЗДА
ТОШ БОРМИ?

Унда куйидаги тавсияни ўзингизда бир синаб кўринг. Нафи тегса ажаб эмас. Буйрагингиз илк бор санчиши билан аввало ҳазми қийин, ошқозонга қаттиқ ботувчи овқатлардан парҳез қилинг. Таркибида озгина бўлса ҳам спирт бўлган ичкиликлардан ўзингизни тийинг. Олдий сувдан кўпроқ ичаверинг.

Энг муҳими, ҳар куни эрталаб оч қоринга бир стакан қирқбўғин қайнатмасини ичинг. Қайнатма куйидагича тайёрланади: бир чой қошиқ қуритилган қирқбўғин устига бир стакан қайнаган сув қуйилади. Қайнатма 20 дақиқалар тиндирилади. Сўнг уни сузғичдан ўтказиб ичилади.

Орадан ярим соат ўтгач, ноушта қилинса бўлади. Муолажани камида бир ой мобайнида ҳар куни кетини узмасдан давом эттириш керак.

Қирқбўғин нафақат буйрак, балки жигар ва ўт пуфагидаги тошларни ҳам майдалайди. Муолажа бошлангач, тез орада кучли оғриқлар қолади. Орадан тахминан бир ойлар ўтиб эса тош кумга айланиб, аста-секин организмдан сийдик (пешоб) билан чиқа бошлайди. Аввалдан огоҳлантириб кўяйлик, бу даволаниш бемордан қатъийлик ва чидамликни талаб этади, аммо ҳеч шубҳасиз фойдали бўлади.

МЎЪЖИЗАКОР
ДАНАК

Бир дона ўрик данагини яхшилаб қуриб, мағзидан ажратинг. Сўнг пўчоқни майдалаб, металл хокандозга солиб ёқинг. Уни хонада қолдириб, барча эшик-деразаларни бекитиб, ўзингиз бошқа хонага ўтинг. Орадан беш дақиқа ўтгач, данак қолдиқларини ахлатга ташласангиз бўлади. Хонани эса ўн дақиқалардан сўнг шамоллатинг.

Бундай тутатишдан сўнг бинога унниқиб қолган ҳид асабни тинчлантиради, шунингдек юқумли касалликларни тарқатувчи микробларга қирон келтиради. Тутатишни ҳафтасига бир марта ўтказиб туриш кифоя.

МАРЖОН –
ДАРДИНГИЗГА ДАРМОН

Эътибор қилсак, теварак-атрофимизда беҳисоб шифобахш гиёҳлар ўсади. Ана шундай беминнат шифокорлардан бири маржон бутасидир. Бу ўсимликнинг япроғи ҳам, гули ҳам, мевасию илдизи ҳам фойдалидир. Гулининг дамламаси турли шамоллашлар ва грипни даволашда қўл келади. Мевасию ошқозон-ичак йўлининг фаолиятини яхшилайдди. Япроғи эса буйрак хасталиқларини муолажа қилишда яхши самара беради. Кўп уй бекалари маржон барги солинган

сандиқ ёки кийим жавонига куя яқин йўламаслигини жуда яхши билишади.

Унинг мевасидан мураббо тайёрласа ҳам бўлади. Бунда шакардан камроқ қўшиб, тайёр бўлган мураббони музлатгичда сақлаган маъқул. Ҳар куни уч маҳал овқатдан сўнг ундан бир ош қошиқдан еб турсангиз, овқат ҳазм бўлишини яхшилайдди, организмнинг қаршилиқ қобилиятини мустаҳкамлайди. Бундай мураббо турли дармондориларга ҳам ниҳоятда бойдир.

ПИВО ҲАМ ШИФО

Бир стакан тиниқ пивони кострюлга қуясиз. Унга яримта қизил аччиқ гармдори соласиз ва қайнагунча қизитасиз. Пиво совигач, пахтали сочиқни унда ивигиб болдирингизга қуясиз. Устидан пахмоқ сочиқ билан ўрайсиз. Шу кўйи то болдирингиз бир оз ачишгунча ётасиз. Сўнг сочиқни олиб, жойини қуруқ сочиқда яхшилаб артасиз. Қарабсизки, қон босимингиз пасаяди. Бундай муолажанинг ҳеч қандай салбий асорати бўлмайди.

ФОЙДАЛИ
МАСЛАҲАТЛАР

Киши ўз ҳаётидан, соғлиғидан қониқиш ҳосил қилиши учун аввало насли соғлом бўлиши керак. Борди-ю аждодларидан бирор-бир патология мавжуд бўлса, киши турмуш тарзини белгилашда буни ҳисобга олиши лозим.

Ортиқча ширинлик болага ҳам, каттага ҳам зиёнлидир.

Болаларни қанча эрта мустақилликка, ўз ишидан қониқишга ўргатсангиз, шунча яхши.

Боланинг майл ва қобилиятини кузатиб бориш, бу хусусиятларини намоён этишга имкон бериш, шароит яратиш керак. "Фарзандим ундай касбни эгаллаши керак, бундай касбнинг обрўси, қадри пас" деган қарашларингизни бир четга суриб, аввало боланинг ички эҳтиёжларини ҳисобга олинг.

Тўғри, инсон ўз хатти-ҳаракатларини эмин-эркин амалга ошириши керак, аммо бу бошқа кишиларга зарар етказиш ҳисобига бўлмаслиги лозим.

Нафақат болалар, балки катталар ҳам ўзларидан қониқиш ҳосил қилишлари учун фаол ҳаракатда бўлишлари талаб этилади.

Ҳар бир киши, ёши нечада бўлишидан қатъи назар, ўзи учун қизиқарли машғулот излаши лозим.

Насли носоғлом одам ёшлигида осонгина гиёҳвандликка берилиб кетса, ёши улғайганда ичкиликка ружу қўйиши мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам ҳаётимизни, умримизни хароб қилади. Бу балого бизни нима етаклаб келишини олдиндан кўра билишимиз ундан халос бўлишимизга ёрдам беради.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ЧОРШАНБА, 18

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

ЎзТВ - II

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: Билагон нашлахати.

Пайшанба, 19

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.

ЎзТВ - II

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Ок кабутар".

ресс" телегазетаси.
18.00 "Болажонлар экран". "Шарки ва Жорж". 36-қисм.

ЎзТВ - IV

6.30-8.00 РЖТ
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
16.10 - 16.40

30-канал

9.05, 17.40, 20.35. "Телехамкор".
9.30, 14.10 Болалар соати.

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро".
8.00 Новости.
8.15 "Семейные узы".

РТР

3.45 - 6.45 "Доброе утро, Россия!".
6.45 Детективный сериал "Каменная-2".

11.45 ВЕСТИ - МОСКВА.
12.00 ВЕСТИ.
12.20 ВЕСТИ - СПОРТ.

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".
5.05 - 7.55 УТРО на НТВ.

ТВ 3

9.00 "Победоносный голос верующего".
9.30 "КАПИТАН "ПИЛЛИГРИМА".

СТС

6.45 "ТАЙНА САГАЛА". Детский мини-сериал.
7.00 Программа мультфильмов.

Большее, чем любовь". Док. телесериал.
8.00 "Fox Kids": "Икс-мен".

REN TV

8.00 "Fox Kids": "ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ".

ТНТ

6.00 Сериал "ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ".
7.00 Мультсериал "Фантагира".

13.30 Сериал "ЛУС-МАРИЯ".
14.30 Шоу "О, счастливы!".
15.30 "Окна".

ТВЦ

7.00 Информационно-разлекательный канал "Настроение".
9.50 Газетный дождь.

MITTIVOY

BOLALAR SAHIFASI

OLMA PISHDI

Olma pishdi, yerga tushdi.
Tiptatikan yo'lga tushdi.
Olmalarni terib yedi,
Ekkanlarga "rahmat" dedi.

Ziyoda Azizbek qizi,
Toshkentdagi 247-maktabning
1^h sinf o'quvchisi.



MURABBO

Yalab ko'rsam ozgina,
Murabbo ekan shirin.
Urishmasin deb oyim,
Non-la edim yashirin.



Qarabsizki bir mahal,
Bir idishni bo'shatdim.
"Mosh"ning og'ziga surkab,
U eganga o'xshatdim.

Ammo og'ridi qornim,
O'sha kuni rosayam.
Yolg'onchilik qilmayman,
Endi sira-sirayam.

Qoraboy TOJIDDINOV,
quruvchi.

TOPISHMOQLAR

Soriboy akam ichkari,
Soqollari tashqari



Osti tosh, usti tosh,
O'rtasida chandir bosh.



To'rt og'ayning
boshida bir qalpoq.



Sassiq ko'lda it hurar.



Qush emas, qanoti bor,
Burgutdan zo'r haybati bor.



Istarasi issiq, mehribon,
Uning bilan yorug' jahon.



Har kun oppoq yuzin ochib,
Sirlashadi biz bilan.
Hayot sirin anglamoqqa,
Birlashadi biz bilan.



— Ёзги таътил зўр бўлди-а?
— Фақат тез ўтиб кетди-да...

Бир чимдим кулгу

Шарақлаган товушни эшитиб ошхонадан ўқлов кўтарган она югуриб чиқди:

— Ҳа, ер ютмагур, ойнани ким синдирди?
— Менмас, ... Дадам...
— Ие, нега даданг бўларкан?

— Ахир, у киши отган ликопчамга чап бериб қолдилар-да.

Ҳайвонот бомида айланиб юрган Зироат шимпанзени кўриб қолиб дасидан сўрабди:

— Дада, бу нима?
— Маймун.
— Ҳимм, яқинда у ҳайвонга айланаркан-да!

УЧГА БИРНИ ҚЎШСАК...

(Ҳажвия)

Синф сув қуйгандек жимжит. Ўқитувчи янги мавзунни ўтиб бўлгач, ўртадаги партада ўтирган бир ўқувчи қизга юзланди:

— Адолат, қани айт-чи, учга бирни қўшсак неча бўлади?

Қиз ўрнидан тургач, бир нуқтага тикилиб, ўйлаиб қолди.

Орадан бир оз вақт ўтиб ўқитувчи сабри тугади шекилли, тушунтирди:

— Манга қара, қизим. Гапимни диққат билан эшит. Масалан, ман санга аввал учта, кейин яна битта олма бераман. Шунда ҳаммаси неча бўлади?

Кутилмаганда қиз ҳаяжонланиб, жавоб бера бошлади:

— Бешта! Роппа- роса бешта бўлади!..

Ўқитувчи ҳайрон бўлди:

— Яхшилаб ўйлаб кўр-чи, ҳисобда янглишмадингми, ишқилиб?

— Йўқ, устоз. Сираям янглишмадим, — деди ишонч билан Адолат. Сўнг сумкасини очди. — Мана, эрталаб аям ҳам битта олма берувдилар. Ўшани қўшсам, бешта бўлади-да!

Ўқитувчи бирдан кулиб юборди, кейин жиддий тортиб, ўзининг портфелини очди. Ундан учта олма олиб, Адолатга узатди:

— Қизим, булар сенга.

Адолат суюниб олмаларни олиб дарҳол сумкасига жойлади.

— Хўш, энди нима дейиш керак? Адолат кўзларини пирпиратди:

— Ҳеч нима...

— Йўқ, сен тушунмадинг, шекилли, — яна ўзини мажбурлаб жилмайди ўқитувчи. — Айтайлик, сенга биров бирор нарса, масалан, олма берса, нима дейиш керак?

— Яна бераверинг дейман-да...
— Ие, шунақами? — ўқитувчи

зўрма-зўраки кулиб, яна портфелини очди:

— Мана, сенга тагин битта олма, энди нима дейиш керак?

— Раҳмат, устоз!

— Ҳа, баракалла! Бояги учта олмага буниям қўшсак, жами неча бўлади?

Адолатнинг ён-верига ўқувчилар сабрлари чидамай пичирлашарди:

— Адолат, тўртта дегин, тўртта бўлади...

Қиз пичир-шивирларга парво қилмай аста сумкасини қия очиб олмаларни санаб чиқди, яна санади, сўнг қичқириб юборди:

— Топдим! Топдим!

— Хўш, неча экан? — шунча саъй-ҳаракатим бекор кетмабди, деган умидда сўради ўқитувчи.

— Бешта! — тантанали оҳангда жавоб берди қиз. — Роппа- роса бешта!

Синфга яна сув қуйгандек жимлик чўқди. Фақат муаллимнинг оғир нафас олиши эшитиларди. Ниҳоят у юзидан совуқ терини артиб:


— Ҳа, майли, — деди, — менимча, тўғри ҳисобладинг... Фақат келгуси дарса сумканга китоб-дафтар, ручка-қаламингдан бошқа ҳеч нарса солмасдан кел. Хуллас, янаги сабоқда ё ананас, ё банандан мисол келтирамиз. Келишдикми? Бугунги жавобинг учун эса баҳонинг "тўрт"...

йўғе, "беш"! Ўтир!

Ярим соатлардан буён хижолат бўлиб тик турган Адолатнинг юзига қон югурди: хайрият, меҳнати зое кетмабди! Бундан ташқари битта олмасининг устига тагин тўртта қўшилди. Балки, кейинги гал аяжониси "беш" баҳо олганини кўриб, ростдан ҳам сумкасига биттадан ананас билан банан солар...

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Қаранг, қуёнча адашиб қолибди. Унга лабиринтдан чиқиш йўлини кўрсатинг-чи.



Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

Азиз болажонлар, сиз қуйидаги расмларни қандай изоҳлайсиз?



Хоразм мақо- ми		Унум	Ид- рок	Хало- ватсиз		Ҳаво								
								Газ- лама			Сокин- лик			
											Мулзам			
Севги						Фа- ришта								
Ходиса					Либос	Фи- зик олим			2- Арас- ту		Аёл исми			
			Европа даги пойтахт		Хузур									
Асал...					Жа- мият асоси	Ўсим- лик дунёси								
Рус адиби	Газ	Лаҳза	Кои- нот жисми											
				Жа- нуб тоғи	Озуқа	Зафар			Илм- ли аёл				Таом	
		Сайё- ра	Дўст		То- мон							Хаша- рот	Спорт фир- маси	
	Нота	Хат						Маш- хур опера						
									Сатҳ бир- лиги					
	Оғиш- мас	Нарса миқ- дори						Сувоқ ашёси	Кимё мод- даси	Меҳ- нат				
					Ол- мош							Хур- санд		
	Ўлжа	Ер те- кислаш асбоби						Баҳо ўл- чови	Араб харфи			Эр- как исми		
			Сув йўли		Ранг	Авто марка								

Турфа олам

Попов радиони кашф этди, Менделеев даврий системани яратди, Эйнштейн нисбийлик назариясини очди. Бундай оламшумул кашфиётлардан ташқари яна минглаб каттаччилик «топқирликлар» ҳар қадамимизда учрайди. Масалан, тиш пастаси идишини, гилдиракни, гугуртни ҳам кимдир ўйлаб топган. Аммо оламда яна шундай кашфиётлар борки, биз уларни баҳолай олмаймиз. Амикроги, улар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, ҳисоби. Шундай бўлса-да, мазкур тоифага кирувчи кашфиётчиларнинг кўнглини кўтариш учун уларнинг «энг буюк» ларига Шнобель мукофоти берилади. Ҳойнаҳой, бу соҳада америкаликлар етакчилик қилишса керак. Ана шундай «кашфиётлар» дан баъзилари билан танишинг.

АЖОЙИБ
«КАШФИЁТ»ЛАР

● Америкада ақли санчки (вилка)га патент берилди. Унга ўлчагич (датчик) ўрнатилган. Агар ҳўранда вилкани оғзига меъёридан тез олиб борса, ўлчагичнинг қизил чироғи ёнади. Бу «Очофат, шошма, оғзингдаги луқмангни яхшилаб чайна!» дегани. Соғлигининг қадрига етадиган киши то кўк чироқ ёнгунича кутиб туради.

● Америкалик дастурчи Крис Нисвандер компютер учун мушукларни қўрқитувчи махсус дастур ишлаб чиқди. Агар мушук клавиатура устига чиқса ёки ётса, баланд товушли сигнализация ишга тушади.

● Голландиялик Андре Гейм ва англиялик Майк Берри оҳанрабо (магнит) ёрдамида қурбақани парвоз эттиришди.

● Англия адмиралтействоси ҳам Шнобель мукофотига сазовор бўлди. У жанговар машқ чоғида снарядларни тежаш мақсадида денгизчиларга тўплардан рақибни нишонга олгач отмасликни, балки замбарак товушига тақлид қилиб баланд овозда «Бах!» деб бақаришни тақлиф қилди.

● Британия стандартлаш институти бир пиёла чой тайёрлаш бўйича олти варақдан иборат йўриқнома ишлаб чиқди.

● Америкада «Самолётларни эгалловчи террорчига укол қилувчи қурлма»га патент берилди. Учувчилар хонасида жойлашган оромкурсига нинали шприц ўрнатилган бўлиб, командир тугмачани босиши билан нина террорчининг этига санчилади. Шприц ичидаги уйқу дориси эса автоматик тарзда унинг организмга юборилади. Фақат масаланинг биргина қийин томони бор. У ҳам бўлса, учувчилар кабинасига бостириб кирган террорчини аввал хушмуомалалик билан бу оромкурсига ўтиришга кўндириш керак...

ФУТБОЛ-ШОУ

Ўзбекистон чемпионати. Олий лига

Бугунги кунда чемпионат ҳал қилувчи паллага кирди, энди йўқотилажак бир очко ҳам жамоа учун қимматга тушиши мумкин. Бу биринчи галда медаллар учун даъвогарларга тааллуқли. Зарафшоннинг "Қизилқум" жамоаси "Машғал" билан ўйинда дурангга эришди. Натижада дарҳол уларга фарғоналиклар етиб олишди.

Фарғоналикларнинг ўйин тактикасида эса жиддий ўзгариш йўқ. Ўтган йиллардаги сингари, улар иккинчи давра баҳсларини кучлироқ ўтказишяпти. Бу кетишда "Нефтчи"-ликлар медаллардан бирининг соҳиби бўлишлари шубҳасиз. "Трактор" жамоаси олий

ХАТОЛАР ҚИММАТГА ТУШЯПТИ

21-тур: "Нефтчи" – "Трактор" – 5:0, "Сурхон" – "Самарқанд-Д" – 2:0, "Дўстлик" – "Бухоро" – 0:1. "Насаф" – "Сўғдиёна" – 3:1, "Қизилқум" – "Машғал" – 1:1, "Металлург" – "Навбахор" – 2:1, "Андижон" – "Пахтакор" – 0:4, "Кўкон – 1912" – "Зарафшон" – 0:2.

лигада қолиш учун қаттиқ кураш олиб боришига тўғри келади. Мураббий Равшан Ҳайдаров жамоани тарк этгач, иккинчи давра ўйинларини бўш ўтказишяпти. Кетма-кет беш мағлубиятдан учтасида йирик ҳисоб қайд этилди.

"Сурхон" жамоаси қайта туғилаётир. Жамоа сўнгги пайтда нафақат хавфли зонани тарк этди, балки кучли ўнликдан ўрин олди.

Бекободнинг "Металлург" жамоаси ҳам ўз мухлисларини хурсанд қиляпти. Унинг

гайратига гайрат қўшилиб бормоқда. "Навбахор" ҳеч бўлмаганда бир очко эгаси бўлиш учун кўп куч сарфлади. Аммо унинг саъй-ҳаракати беҳуда кетди. Учрашувнинг 70-лақиқасида В. Пономарёв май-

рақиблар жарима майдончасидан тўпни дарвозага йўллади. З. Тожиев зарбидан сўнг андижонликлар яна ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур бўлишди. Учрашувнинг якуний ҳисобини мезбонларнинг ўзлари белгилаб беришди. Бу андижонликларнинг мавсум бошидан буён иккинчи автоголидир.

"Насаф" – "Сўғдиёна" учрашувида ҳам тўртта гол қайд этилди. Биринчи таймдаёқ қаршиликлар меҳмонлар дарвозасига учта тўп киритишди. Жиззахликлар биттагина жавоб тўпи кирита олдилар.

Кўпчилик "Дўстлик" жамоаси ўз майдонида бухороликлар устидан осонгина ғалаба қозонади, деб ўйлаган бўлса керак. Аммо меҳмонлар ҳужумкор ўйин кўрсатиб, беллашувдаги ягона тўпни рақиблар дарвозасига киритишди.

С. НИКОЛАЕВ.

Ўзбекистон футболнинг 90 йиллигига

ЭНГ КАТТА ҒАЛАБАЛАРИМИЗ ҲАЛИ ОЛДИНДА

Бу йил Ўзбекистон футбол ўзининг 90 йиллигини нишонлади. Юбилей муносабати билан 7 сентябрь куни пойтахтимизда байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Юртимиз истиқлолга эришгунича футболимиз умумиттифок доирасида ривожланди, бугунги кундагидек жаҳон миқёсида бор бўйбастини кўрсатиш имконига эга бўлмади. Аммо, ўшанда ҳам заманимизда ажойиб истеъдодлар етишиб чиқди. Футболимизнинг ўша даврлардаги даражасини кўз олдимизга келтиришимиз учун Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов, Владимир Фёдоров, Михаил Ан каби буюк футболчиларимизни эслаш кифоя. Миллий Академик театрда бўлиб ўтган тантанали мажлисда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Футбол федерациясининг президенти З. Алматов ўз маърузасида тарихий ютуқларимизни эслаш билан бирга сўнгги ўн йилликда Ўзбекистон футболнинг ривожига ҳам алоҳида тўхталди. Терма жамоамизнинг Осиё

ўйинларида, Осиё чемпионатида, жаҳон чемпионатининг саралаш турнирида муносиб чиқишлари дунё футбол жамоатчилигини Ўзбекистонга бошқача кўз билан қарашга мажбур этди, унинг футбол соҳасида келажаги порлоқ эканидан дарак берди. Мажлисда мамлакатимиз футболнинг ривожига ҳамиша катта эътибор бериб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган юртбошимиз шаънига чуқур миннатдорчилик сўзлари изҳор қилинди.


– Мамлакатингизда футболга нақадар катта аҳамият берилганидан хайратдаман, – деди Осиё футбол конфедерацияси президенти Муҳаммад бин-Ҳаккам, – энди футболчиларингизнинг муваффақиятлари сириненга аён бўлди. Мен имкониятларингизни кўриб турибман: тез орада Ўзбекис-

тон буюк футбол мамлакатларидан бирига айланади.

Байрам сўнггида Ўзбекистон ва Япония терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Футболчиларимиз ҳужумкор ўйин намойиш этиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Эслатиб ўтамиз, Зайнитдин Тожиев чиройли узатган тўпни Андрей Акоюнц кулай вазиятдан рақиб дарвозаси тўрига йўллади. Учрашув сўнггида Александр Гейнрих ўз маҳоратини намойиш этди. У тепган жарима тўпи ҳисобни 2:1га етказди.

Маълумки, байрамдан кейин одатдаги кунлар келади. Ўзбекистон футболчилари учун бу йилги куз ўта масъулиятли мавсумдир. Олдинда Осиё ўйинлари, чемпионлар лигаси учрашувлари турибди. Мамлакатимизнинг ички чемпионати ҳам давом этапти. Барча қийинчиликларга, учрашувларнинг тигизлигига қарамай юртимиз футболчилари муносиб ўйин кўрсатади, Ўзбекистон футбол довуғини жаҳонга ёяди, деб ишонамиз.

К. СЛАВИН.



ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

Яқинда Хоразм вилояти ИИБ ўқув ва жанговар тайёргарлик марказида бошқарманинг "Осойишталик учун" газетаси соврини учун спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувга ички ишлар идоралари ходимларининг 200 нафарга яқин фарзандлари ташриф буюришди.

Ўн олти жамоадан иборат ёш спортчилар уч гуруҳга бўлиниб, 9 тур бўйича куч синашдилар. Тўсиқлар оша югуриш баҳсида бошқарма жамоасининг қўли банд келди. Тўпни тўсиқлардан олиб ўтиш, таёқчаларни олиб югуриш, коптокни узатиш беллашувида Янгиариқ тумани ҳамда Урганч шаҳар ИИБ жамоаларининг устунлиги яққол сезилиб турди.

Эпчиллик ва маҳорат бобида Янгиариқ тумани ИИБ жамоасига тенг келадигани топилмади. Вилоят ИИБ ҳамда Урганч шаҳар ИИБ вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Ғолибларни вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Ш. Иброҳимов ҳамда "Осойишталик учун" газетаси муҳаррири Н. Солаевлар табриклар, совғалар топширишди.

Ҳ. ЖАББОРОВ.

Суратларда: мусобақадан лавҳа. Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

Ромарио Бразилия чемпионларида юзинчи голини урди. Унинг тўпи туфайли "Флуминенсе" жамоаси "Фигуеренсе" жамоаси устидан 4:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Ромарио Бразилия чемпионатидаги биринчи голини 1986 йили урган эди. Бугун фаолияти давомида эса рақибларини 800 мартадан зиёд хафа қилган.



"Арсенал"нинг (Лондон) франциялик ҳужумчиси Сильвен Вильтор Англия Премьер-лигасининг август ойидаги энг яхши ўйинчи-

си деб эълон қилинди. Бу вақт ичида футболчи тўртта гол уриб, "Арсенал"ни турнир жадвалининг иккинчи поғонасига олиб чиқди. Таъкидлаш кераки, илгари га-

зетада кўпроқ Тьерри Анрининг сурати чиқарди. У Вильторнинг ҳам Франция терма жамоаси, ҳам "Арсенал"даги шеригидир.

Англия футбол раҳбарияти АҚШдаги террорчилик ҳаракати қурбонлирига ҳурмат бажо келтириш мақсадида бу ҳафта Премьер-лига ва Лига кубоги мусобақалари баҳсларини бир дақиқалик сукут билан бошлашга кўрсатма берди. 11 сентябр

куни бу воқеага бир йил тўлади. Ўшанда Жаҳон савдо маркази вайоналари остида 3 мингдан зиёд одам ҳаётдан кўз юмган эди.

Англия терма жамоасининг собиқ ўйинчиси Пол Гаскойн Янги Зеландиянинг "Окланд кингз" жамоаси билан шартнома тузди. Шу тариқа у ўзини "форма"да тутиб турмоқчи. Бунгача у "Тоттенхэм"да ўзи билан бирга ўйнаган Грэм Роберт-

соннинг таклифини рад этган эди. Г.Робертсон ҳозир "Каршалтон"га мураббийлик қилмоқда.

Италияда миллий чемпионат бошланишига санокли кунлар қолди. Бунгача бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Римнинг "Лацио"си "Наполи" билан дуранг қилди - 1:1. Эрике Кьеза пойтахт жамоаси сафидаги биринчи голини урди. У яқинда банкротга учраган

"Фиорентина"дан келган эди. "Парма" билан "Болонья" бир-бирини хафа қилгиси келмади - 0:0. "Перуджа" эса "Салернитане"га ютказди - 1:2.



ЖАҲОН ФУТБОЛИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ehtiroom

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

МАХСУС САҲИФА

ҲИКОЯТ. Нуширвони Одил бир куни мулозимлари ва хизматчилари билан овга чиқибди. Бир қишлоқнинг четидан ўтиб кетаётган тўқсонларга бориб қолган, ёнғоқ экатган бир чолга кўзи тушибди. У ҳайрон бўлибди, чунки ёнғоқ йиғирма йилдан кейин мевага кирди-ку. Сўнг чолдан сўрабди:

- Ота, экатганинг ёнғоқ дарахти бўлса керак?
- Ҳа, шаҳаншоҳ, экатганим ёнғоқ дарахти.
- У мевага киргунча яшармикансан, буни биласанми?
- Йўқ, билмайман, аъло ҳазрат.
- Унда нега овора бўлаётибсан?
- Аждодлар эканини биз едик, биз экандан авлодлар баҳраманд бўлар деган умиддаман.

Нуширвони Одил чолнинг жавобидан мамнун бўлди ва уни минг дирҳам ақча билан мукофотлади. Чол подшоҳга миннатдорчилик билдирди ва деди:

- Худога шукр, экан ниҳолимизнинг мевасига муҳлатидан аввал етишдик.
- Нуширвони Одил таажубланди ва сўради:
- Қанақасига етишдинг, қани ўша сен етишган мева?
- Мана! - деди чол подшоҳ инъом қилган минг дирҳамни кўрсатиб...

Умри беморларнинг дардига малҳам топиб ўтаётган, кўпчиликнинг дуосини олаётган доришunos Одилжон ака баъзан ўйга толиб, ортига назар ташлаганида шу ҳикоятни эслайди. Қанчалар маъно мужассам унда. Инсон авлодлар ташвиши билан яшар экан, ҳаётида мазмун бўлади. Бу оддий ҳақиқатни Одилжон ака кўп бор англаб етган.

- Ҳаммаси болаликдаги ҳавасдан бошланган, - дейди у киши. - Уйдагилар баъзан дори олиб келиш учун дорихонага юборишарди. Шунда мени эгнига оқ халат кийган "амаки"нинг қалашиб ётган дори-дармонлар орасидан сўраганимни бехато топиб бериши, ҳар бири қандай касалга даво эканлигини эслаб қолгани лол қолдиранди. Оддий карра жадвалини эслаб қолиш матонатдек туюлган болалик шууримда хотираси ўткир доришunos авлиёдек кўринарди. Эҳтимол ана шу ҳавас туфайли касбга муҳаббат уйғонгандир.

Эҳтимол. Нима бўлгандаям ўша кезлари

ҲАЁТ МАЗМУНИ



СУРАТДА: истеъфодаги ички хизмат подполковниги Одилжон Тошпўлатов ва провизор Нодира Солиҳовалар.

М. НУРИНБОЕВ олган сурат.

Одилжон аканинг қалбида пайдо бўлган меҳр бора-бора эътиқодга, одамлар дардига шерик бўлаётганини тушуниб етгач эса эҳтиёжга айланди.

Кунлар, ойлар, йиллар турнақатор бўлиб ўтаверар экан. 1976 йили Тошкент фармацевтика институтини битириб,

йўлланма билан Қарши шаҳрида провизор бўлиб иш бошлагани Одилжон аканинг кечагидек ёдида. Тўғри, кўп ўтмай уни армия сафига чақиришди. Аммо илк бор меҳнат кўникмаси олган жойни ширин туйғулар билан энтикиб эслаб туради.

Одилжон ака 1978 йилдан пойтахтимиз-

нинг Чорсу даҳасида жойлашган 150-дорихонага провизор-технолог бўлиб ишга келди. Ордан уч йил ўтгач эса ИИВ Тиббиёт бошқармасида назоратчи-провизор вазифасида фаолият кўрсата бошлади. Бу пайтда провизорлик энди ташкил этилган бўлиб, республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги дорихоналар ишини такомиллаштириш талаб этиларди. Одилжон ака зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, дорихоналар билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этиш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга бош-қош бўлди. Кейинчалик уни Марказий поликлиника

дори қидириб юришини тасаввур этиб кўринг, - деди Суннат Толипович. - Уларга дориларни ўзимиз етказиб беришимиз зарур. Ушбу бўлинмага сиз раҳбарлик қилсангиз. Тажрибангиз етарли, ишларни йўлга қўйиб юборишингизга ишонаман.

Бўлиб ўтган ана шу суҳбатдан сўнг Одилжон ака энг шимариб ишга киришди. Билдирилган ишончни оқлаш учун бор билими, маҳоратини ишга солди. Устоз маслаҳатлари ва ўзининг саъй-ҳаракати билан бўлинма фаолияти намунали йўлга қўйилиб, бўлимга айлантирилди. Одилжон ака бўлимга кўп йиллар раҳбарлик қилиб, пенсияга чиқди.

Республика соғлиқни

сертификатсиз дорилар савдо қилинмайди.

- Бир пайтлар бу дорихонанинг мавқеи юқори эди, - дейди Одилжон ака. - Афсуски, 10-15 йил ичида у ўз харидорларини йўқотиб қўйган. Биз унинг аввалги довуғини тиклаш ва республикада ягона дорихонага айлантириш учун бор имкониятларни ишга солаётимиз. Бунда ташкилий ишларга раҳбарлик қилаётган "Дори-дармон" Давлат акциядорлик уюшмаси бошқаруви раиси Умида Солиҳбоевнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бино қайта таъмирланмоқда. Ҳозирда доривор ўсимликлар ва шифобахш дамламалар, тайёр дорилар, махсус имтиёзли дорилар сотиладиган, жами саккизта бўлим фаолият кўрсатаёпти. Ҳадемай 2-қаватда рецептура бўлими ишга тушади. Бу ерда пойтахтимизда йўқ бўлган стирил дорилар тайёрлаш йўлга қўйилади.

- Мен дорихона очилгандан бери шу ерда ишлайман, - дейди бўлим мудри Шохиста Бобожнова. - Одилжон аканинг жамоамизга қайтиши барчамизни руҳлантириб юборди. Кўриб турибсиз, ишлар жонланиб кетди. У киши атрофдагиларга талабчан, ўзлари ҳам шунга риоя қиладилар. Дорихонага ташриф буюраётган беморлар талабини ўрганиб, эҳтиёжини қондириш диққат марказимизда. Бу эса улар сони кўпайишига олиб келаяпти.

Ана шу хайрли ишлар бошида ички ишлар фахрийси, истеъфодаги ички хизмат подполковниги Одилжон ака Тошпўлатов турибди. Дорихонадан қайтаётган чехрасига табассум инган беморнинг дил сўзлари у кишининг ҳаётини сўзанага туширилган ранго-ранг гуллардек безаётир...

Саъдулла ШОДИЕВ.

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, аҳоли ўртасида қонунбузарликка йўл қўймаслик йўлида ўз касбининг устаси бўлган ажойиб ёш милиция ходимлари хизмат қилишмоқда.

Ёш терговчилардан бири, милиция катта лейтенанти Одил Турғунбоев биз билан суҳбатда шундай деди:

- Хизмат жараёнида Академияда олган назарий билимларимиз ҳам камлик қиларкан. Ёш ходимнинг касб сирларини пухта эгаллашда устозининг тутган ўрни ниҳоятда катта. Мен тажрибали терговчи Худойберди ака Нурбоевга шогирд тушганимдан қувонаман. У кишидан тергов жараёни сирларини ўргандим. Ҳозирда қариллик гаштини сураётган Худойберди ака билан дийдорлашсам, тўлқинланиб кетаман. У кишидан бир умр миннатдорман.

ДИЛ СЎЗЛАРИ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Бундай дил сўзларини ички ишлар идоралари тизимларида хизмат қилаётган бошқа ёшлардан ҳам эшитиш мумкин.

... Ўтган асрнинг 70-80 йиллари. Ҳозирда пенсияда дам олаётган Худойберди Нурбоев, Раҳимжон Сайдаров, Маткарим Маматов,

Саидғози Нейматов, Абдусамат Муҳаммадулов, Жангел Жақипов ва бошқалар навқирон ёшлар эди ўшанда. Улар туманда осойишталикни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда тиним билмаган эдилар.

1976 йил 4 апрелда туман ички ишлар бўлими ходим-

ларидан бир гуруҳи мардлик кўрсатдилар. Ўшанда туман ички ишлар бўлимига "Солдатское" кўрғонида (ҳозирги Дўстобод шаҳри) қуролланган жиноятчи бекиниб

ётганлиги ҳақида маълумот келади. Уни зудлик билан қўлга олиш учун тезкор гуруҳ тузилади. Милиция сержанти Давлатхўжа Муҳамедов ва ички хизмат капитани Александр Чугуновлар жиноятчини қўлга олиш пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўладилар. Ҳозирги

кунда Дўстобод шаҳридаги икки кўча ана шу жасур ўғлонлар номи билан аталмоқда.

Туман аҳли билан суҳбатлашсангиз, кейинги 30 йил ичида милицияга раҳбарлик қилган истеъфодаги милиция полковниклари Валерий Югай ва Оллаберган Алимбетовлар ҳақида ҳаяжон билан сўзлашади.

- Эл ташвиши билан яшашнинг ўзи гаштир, - дейди истеъфодаги милиция подполковниги Маткарим Маматов. - Қўлингдан иш келиб, юрт корига яракансан, бу - бахт. Шунинг учун ҳам кексаликка қарамай, ёшларга ёрдам бериб, тажрибаларимизни ўргатаямиз.

Х. АЛЛАНАЗАРОВ, подполковник.

